


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Юристар малакасини ошириш
маркази директори


А. Рахматов

2021 йил 18 январь

Туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларининг
кредит-модуль тизими асосида малакасини ошириш курсининг
“ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ
ЭТИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТНИ ТАЪМИНЛАШ.
ДИПЛОМАТИК ПРОТОКОЛ ВА ЭТИКЕТ”

НОМЛИ

ТАНЛОВ МОДУЛЬ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2021

СЎЗ БОШИ

Ўқув модулининг **мақсади** тингловчиларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва инсон ҳуқуқлаига риоя этиш бўйича самарали фаолиятни таъминлаш, дипломатик проткол ва этикет ҳақида қўшимча назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш ҳисбланади.

Ўқув модули туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларини хизмат фаолиятида аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки ҳамда аёллар ва бола ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари, шунингдек, хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш, қабуллар, қабулларнинг турлари, овқатланиш маданияти бўйича қўшимча назарий билимларини мустақил таълим олиш йўли билан кенгайтириш ва ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлашга замин яратади.

Мазкур ўқув модули “Туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларининг малакасини ошириш курси”нинг таркибини ташкил этади ва тингловчи томонидан ўқув курси бўйича малака ошириш жараёнида танлов асосида ўзлаштирилиши мумкин.

Марказ томонидан мазкур модуль дастурининг мавзулари бўйича ойда бир марта онлайн маъруза (вебинар) ташкил этилади.

Марказ веб-сайти орқали ҳар ойнинг охирида кейинги ой учун онлайн маъруза (вебинар) ўтказиладиган сана, вақти, мавзуси, маърузачининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилган эълон берилади.

Онлайн маърузалар икки академик соатгача давом этиши мумкин.

Тингловчи томонидан белгиланган кредит бирлигини жамлаш учун тавсия этилган модуль дастурлари мавзуларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида малака ошириш курси ҳар 12-ойининг 15 санасидан сўнг 10 кунлик муддатда тингловчиларни ўқув гуруҳларига тақсимлаган ҳолда онлайн оралик назорати қабул қилинади.

Оралик назорати натижасига кўра комиссия ҳулосаси асосида тингловчига баллар ҳисобида тегишли кредит birlikлари ажратилади ва бу ҳақда электрон рейтинг дафтгарчасида қайд этиб борилади.

Оралик назоратидан ўтолмаган тингловчига 60 кун ичида малака оширишнинг тегишли йилига мўлжалланган модуль дастурларини ўзлаштириб, ушбу оралик назоратини қайта топширишга имкон берилади.

Ўқув курсининг учинчи йили якунида тингловчи томонидан 3 кредит бирлиги ҳажмига тенг баллар тўплагандан сўнг тингловчилардан якуний синов имтиҳони қабул қилинади. Сухбатдан ўтиш натижалари синов имтиҳони қайдномасида “синовдан ўтди” ёки “синовдан ўтмади” деб баҳоланади ҳамда комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан имзоланади.

Белгиланган микдордаги кредит birlikларини тўплай олмаган тингловчилар якуний синов имтиҳонига қўйилмайди.

Оралик назорати ва якуний синов имтиҳони Марказ директорининг буйруғи билан тузилган комиссия томонидан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази тингловчиларининг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом” талаблари асосида қабул қилинади.

Изоҳ ҳати: Ўқув модули дастури Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020

йил 17 декабрдаги “Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 273-ум-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилган.

ЎҚУВ МОДУЛИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ЎҚУВ ЮКЛАМАСИ ҲАЖМИ

Т/р	Мавзулар номи	Ўқув юкلامаси ҳажми (соат)	Машғулот тури		Назорат шакли
			Масофавий оффлайн	Масофавий онлайн	
1	Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
2	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
3	Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар.	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
4	Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
5	Аёллар ва бола ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
6	Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш, қабуллар, қабулларнинг турлари, овқатланиш маданияти	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
Жами			12		

ЎҚУВ МОДУЛИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН КАСБИЙ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Умумий малака талаблари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий эти чора-тадбирлари тўғрисида”ги 544-сон қарорида белгиланган.

Касбий малака талаблари:

инсон ресурсларини бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасидаги конунчиликни билиш;

менежмент ва корпоратив бошқарув соҳасидаги замонавий тенденцияларни, бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлиш;

аниқ вазиятлар таҳлилида муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилишнинг усулларини белгилай олиш ва қутилаётган натижаларни баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

раҳбар шахси ва раҳбарлик услубларини, жамоадаги психологик жараёнларни билиш;

тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, менежментнинг замонавий тамойиллари ва усуллари, корпоратив бошқарув тамойиллари ва механизмлари тўғрисида назарий билимларни эгаллаш;

бошқарув жараёнидаги муаммолар, вазиятлар таҳлили ва босқичлари ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилиш ва амалга ошириш усулларини билиш;

шахснинг ўз ўзини бошқариш ва жамоага таъсир этиш услубларини билиш;

бошқарувни ташкил қилиш ва уни самарали амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

вазиятлар бўйича таҳлилий фикрлаш ҳамда стратегик режалаштириш, муаммоли вазиятларни аниқлай олиш, ходимлар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш кўникмаларига эга бўлиш;

вазиятни объектив баҳолаш ва назорат қилиш, ўз мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалай олиш, жамоада уйғун муҳитни шакллантира олиш кўникмаларига эга бўлиш;

ташкилотчилик, шахсий ташаббускорлик, қарорлар қабул қилиш, музокаралар олиб бора олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

1-Мавзу. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг яратилиши. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Давлат хизматлари йўналишида қабул қилинган қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасида аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари ва уларнинг вазифалари. Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари.

2-Мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва “Хабеас корпус” институтини кенгайтириш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш. Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишлар.

3-Мавзу. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро механизмлар: БМТ, ЕХҲТ, Европа Кенгаши. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмлар. БМТнинг шартномавий органлари фаолияти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда минтақавий ҳамкорлик: шартномалар, институтлар, тартиб-таомиллар. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда миллий институтларнинг роли ва аҳамияти. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролининг аҳамияти.

4-Мавзу. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки

Инсон ҳуқуқлари, асосий ҳуқуқ ва эркинликлар. Инсон ҳуқуқларининг моҳияти ва принциплари. Халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларини амалга оширишга қаратилган миллий ҳаракат режалари. Инсон ҳуқуқларининг авлодлари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизм. Давлат идораларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни. Адлия тизими ходимларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги вазифалари. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларининг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” ги Қонунининг мазмун ва моҳияти.

5-Мавзу. Аёллар ва бола ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари

Аёллар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи. Аёллар ҳуқуқларига оид халқаро конвенциялар ва уларнинг бажарилиш амалиёти. Конвенцияларда назарда тутилган аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш талаблари. Аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг мазмун моҳияти. Гендер тенглиги. Аёлларга нисбатан (оиладаги) зўравонлик кўринишлари. Аёл ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган қонунчилик базаси. Аёл ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган давлат дастурлари мазмун моҳияти. Аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши бўйича Миллий ва Даврий ҳисоботлар. БМТнинг тегишли қўмиталари тақдим этган тавсияларни таъминлаш бўйича Миллий ҳаракатлар Дастури бўйича амалга ошириш масалалари.

Бола ҳуқуқлари тушунчаси. Бола ҳуқуқларини таъминлашга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг пайдо бўлишининг эволюцияси. Бола ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳияти. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг мазмуни. Бола ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари. Ювенал адлия тизимига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий стандартлар. Бола ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик тизими, бола ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий институтлари.

6-Мавзу. Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш, қабуллар, қабулларнинг турлари, овқатланиш маданияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарори. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низом.

Қабуллар ташкил этишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш. Қабулларнинг мақсади, турлари ва қоидалари. Қабул этиюкети. Қабуллар этикети. Қабуллар вақти.

Овқатланиш этикети қоидалари. Овқатланиш столидаги телефон – маданиятсизлик белгиси. Ресторан этикети. Болаларнинг овқатланиш қоидалари.

ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛИМИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ, БАҲОЛАШ ТАРТИБИ, ШАКЛЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Марказ директорининг буйруғи билан ўқув дастурининг ҳар бир модули бўйича модуль раҳбари тайинланади.

Модуль раҳбарига қуйидаги вазифалар юклатилади:

бириктирилган модуль дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш чораларини кўради;

модуль дастурида белгиланган мавзулар бўйича ўқув материаллари ҳамда ўқув контентларини ишлаб чиқилишини таъминлайди;

буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда ташкилий чораларни кўради ва такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

мутахассисликка оид йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилган материаллар асосида ҳуқуқни қўлаш амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилади ва шу асосда модуль дастурларини такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

малака ошириш курсларининг мутахассисликка оид йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тингловчилар билан доимий алоқа ўрнатади, уларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганади ҳамда умумлаштиради;

модуль дастурининг мавзулари бўйича онлайн маърузалар (вебинар) ташкил этиш жадвалини шакллантиради ва ташкил этилишини таъминлайди;

модуль дастури бўйича назорат топшириқларни (тестлар, назорат саволлари ва ҳ.к.) ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Модуль раҳбарига ўқув жараёнини ташкил этишга доир бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Таълим олишнинг белгиланган натижаларига эришиш, номинал меҳнат ҳажми ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги ва мослигини баҳолаш мақсадида ўқув жараёнининг мониторинги ўтказилади. Мониторинг сўровнома, фокус-гурӯҳлар, интервью олиш ёки эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Ўқув жараёнининг мониторинги Марказнинг Таълим жараёни сифатини услубий таъминлаш, мониторинг қилиш ва баҳолаш бўлими томонидан ўтказилади.

Онлайн назоратлар:

Модуль дастури мавзуларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун тингловчи ҳар бир мавзу бўйича тавсия қилинган ўқув контентлари билан танишиб чиққач, ушбу мавзу юзасидан онлайн назорат тартибида назорат тест топшириқларини бажаради.

Онлайн назоратлар ўрганган мавзу доирасида тайёрланган тест топшириқлари асосида ташкил этилади. Бунинг учун тингловчига учун камида 10 тадан тест саволи ҳамда ҳар бир тест саволини ишлаш учун бир дақиқадан вақт берилади. Тест натижалари шу вақтнинг ўзида эълон қилинади.

Ҳар бир мавзу бўйича тавсия этилган онлайн назорат тест топшириқлари тингловчи томонидан **70 фоизга** ўзлаштирилганда унга навбатдаги мавзуларни ўзлаштиришга руҳсат берилади. Онлайн назорат тест натижалари балл ҳисобида баҳоланади.

“Ўтмади”		“Ўтди”	
Балл (фоизда)	Тўғри жавоблар сони	Балл (фоизда)	Тўғри жавоблар сони
Min	6 та ва ундан кам	Min	7 та ва ундан кўп
Max		Max	
0		70	100

Тингловчилар томонидан топширилган назорат тест натижалари автоматик равишда

масофавий таълим платформаси дастури орқали қайднома варақасида умумлаштирилади.

Мазкур модуль дастури бўйича тингловчининг билими 56 фоизга баҳоланган тақдирда ўзлаштирилган ҳисобланади ва унга белгиланган кредит бирликлари ажратилади.

“Ўтмади”		“Ўтди”	
Балл (%)		Балл (%)	
Min	Max	Min	Max
0	56	56	100

МОДУЛЬ ДАСТУРИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2018.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш қафолатларини янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори.

Дарслик, монография, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар:

Маматов Х.Т. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари. – Т.: 2011.

Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. - Т., 2013.

Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. Т., 2010. – 400 б.

Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномлар тўплами. О.Сулайманов. – Т., 2017.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016.

Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.

Лукашук И.Л. Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006. – 424 б.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: “O’zbekiston”, 2010. – 368 б.

Гафуров А.Б., Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Baktria Press, 2012. – 296 б.

Гафуров А.Б., Тиллабаев М.А., Саидова Л.А., Исмаилов Б.И. Права человека и справедливое судопроизводство. – Т.: Baktria Press, 2014. – 284 с.

Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2013.

Международные стандарты адвокатской деятельности. Пособие. /Отв. ред. А.Гафуров. – Т.: Baktria press. 2014. – 240 с.

Национальные институты по правам человека: международные и региональные стандарты/ Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.: Baktria Press, 2014.

Одилқориев Х.Т. Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ЖИДУ. – 528 б.

Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. // Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқ. – Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002. – 448 б.

Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Тошкент, 2006. – 208 б.

Вояга етмаган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги: Ўзбекистон ва Германия қонунчилиги. Тошкент. “Адолат”, 2011. – 184 б.

Мустақиллик ва Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази. Тошкент, 2011, -314 бет

Осмнин Б.И. Заключение и имплементация международных договоров и внутригосударственное право// монография. –М.: Инфотропик Медиа, 2010, -400с.

Ковалев А.А. Международная защита прав человека//Учебное пособие. – М.: Статут, 2013. – 591 с.

Смбатян А.С. Решения органов международного правосудия в системе международного публичного права. – М.: Статут, 2012. – 270 с.

Интернет сайтлари

Ўзбекистон Республикаси давлат сайти: www.gow.uz

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумат портали: www.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.mijust.uz

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <http://lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти www.ksu.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: www.supcourt.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: www.mvd.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: genprok.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази: <http://uzmarkaz.uz>

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.uz

Тошкент Давлат Юридик Университети сайти: <http://www.tsul.uz>.